

... :... ..

Ибн Масъуд (розияллоху анху) Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят килади: «Аллох ва Расулини яхши кўриш кимни хурсанд килса, бас, у Мусхафга караб (Куръон) ўқисин!» (Байхакий «Шуабул-иймон»да ва Абу Нуайм «Хилятул-авлия»да ривоят килган. Ривоят санади хасан).

Демак, Куръонга караб тиловат килиш билан банданинг Аллох ва Расулига бўлган мухаббати пайдо бўлади ва секин-аста зиёдалашади. Мусхафга назар солиб кироат килганда банда Аллох таолонинг исм ва сифатларини кўзи билан кўради, тили билан уларни талаффуз килади. Кўз ва тил ёрдамида килинган зикр калбга мустахам ўрнашади ва калбда Каломуллохнинг Сохибига ва У Зот Расулига бўлган мухаббат пайдо бўлади.

:... ..

Усмон ибн Абдуллох ибн Авс Сакофий бобосидан ривоят килади: «Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам): «Кишининг Мусхафга карамай Куръон ўқиши минг даража, Мусхафга караб ўқиши эса икки минг даражагача кўпайтирилади», деганлар» (Табароний «Кабийр»да ва Байхакий «Шуабул-иймон»да ривоят килган. Ривоят санади сахих).

Ушбу ривоятга кўра, Куръонга караб тиловат килиш ёддан ўқишдан икки баробар кўп савоб олинишига сабаб бўлади.

Мусхафга караб тиловат килишнинг куйидаги афзалликлари бор:

1. Хато килишдан сакланади.
2. Тили талаффуз килаётган сўзларни кўзи билан кўриш оркали кишида тадаббур ва хушуъ хосил бўлади;
3. Мусхафга караб ўқилса, керак бўлган жойда тўхташ, оятларни такрор ўқиш мумкин. Ёддан ўқиганда бундай имконият бўлмайди. Сабаби оятлар ўртасида вакф килинганда каерга келингани ёддан кўтарилиши мумкин.
4. Куръонга караб тиловат килган бандага ёддан ўқигандан кўра икки баробар кўп савоб берилади.

... ..

Убайдуллох ибн Абдурахмон Набий (соллаллоху алайхи васаллам) сахобаларининг баъзисидан ривоят килади: «Куръонга караб кироат килишнинг ёддан ўқишдан афзаллиги худди фарзнинг нафлдан афзаллигига ўхшайди» (Абу Убайд

«Фазоилул-Куръон»да ривоят килган. Ривоят санади заиф).

Юкорида Куръонга назар солиб ўқиш уни ёддан тиловат килишга нисбатан икки баробар устунлиги айтилди. Бу ерда эса у иккисининг фарқи худди фарз билан нафлникига ўхшатишмоқда.

Абу Саид Худрий (розияллоху анху) ривоят қилади: «Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам): «Кўзларингизга унинг ибодатдан бўлган насибасини беринглар!» дедилар. Шунда: «Эй Расулulloх, унинг ибодатдан бўлган насибаси нима?» деб сўралди. У Зот: «Мусхафга назар солиш, у хақида тафаккур қилиш ва ажойиботларидан ибрат олиш», дедилар» (Байхакий «Шуабул-иймон»да заиф санад билан ривоят қилган).

Банда қилган ибодатларда унинг оёк-кўли, тили иштирок этади. Аллох яратган ажойиб нарсаларни кўриб ибратланишда кўз ҳам қатнашади. Бу ерда айтилишича, Куръонга назар солиб тиловат қилиш, Куръон оятлари хақида тафаккур ва тадаббур қилиш, унда келган амр ва кайтариклар, ваъз-насихатлар ва ибратли киссалардан ўзи учун фойда олиш кўзнинг ибодати экан. Бундан келиб чиқадики, Куръонга караб тиловат қилинса, оятларни тадаббур қилиш, уларни фахмлаш осонроқ бўлади.

Салафларнинг кўпчилиги фикрича, ёддан ўқигандан кўра Мусхафга караб тиловат қилиш афзалроқ. Сабаби унда банданинг кўзи ва тили иштирок этади. Бу нарса уни кўпроқ тадаббур қилишга ундайди. Имом Нававий: «Бизнинг устозларимиз ҳам шундай дейишган. Аммо бу мутлоқ эмас. Агар қори ёддан ўқиганда Мусхафга караб ўқигандан кўра кўпроқ тадаббур ҳосил қила олса, қалби сокин ва хотиржам бўлса, у ҳолда ёддан ўқиш афзал. Агар иккаласи тенг бўлса (яъни ёддан ўқишда ҳам, Мусхафга караб ўқишда ҳам бир хил даражада тадаббур ҳосил бўлса), у ҳолда Мусхафдан ўқиш афзалроқ», деган. Ибн Хажар «Фатхул-борий»да: «Бу кишилар шахси ва ҳолатига караб турлича бўлади. Мусхафдан ўқиганда хатодан сакланиш осон, аммо ёддан ўқиш риёдан узокроқ ва хушўга яқинроқдир», деб айтган.

Убода ибн Сомит (розияллоху анху) Набий (соллаллоху алайхи васаллам)дан ривоят қилади: «Умматининг энг афзал ибодати Куръонга караб тиловат қилишдир» (Ҳаким Термизий ривояти. Ривоят санади заиф).

Юкоридаги ҳадислардан бирида Куръон ўқиш энг яхши амаллардан бири экани айтилганди. Бу ерда эса Куръонга караб тиловат қилиш энг яхши амал экани айтилмоқда.

Уламолар ичида бу маънода келган ривоятларга амал қилиш учун Куръон ўқимаса-да, Мусхафни очиб, унга назар соладиган кишилар ҳам бўлган. Қуйида солих салафларнинг бу борада қилган амаллари ва айтган сўзлари билан танишамиз.

Абу Саид Худрий (розияллоху анху) ривоят қилади: «Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам): «Кўзларингизга унинг ибодатдан бўлган насибасини беринглар!» дедилар. Шунда: «Эй Расулulloх, унинг ибодатдан бўлган насибаси нима?» деб сўралди. У Зот: «Мусхафга назар солиш, у хақида тафаккур қилиш ва ажойиботларидан ибрат олиш», дедилар» (Байхакий «Шуабул-иймон»да заиф санад билан ривоят қилган).

Хасандан ривоят килинади: «Амирул мўминин Усмон ибн Аффон (розияллоху анху): «Агар калбларимиз покланганида биз Парвардигоримиз Каломига тўймаган бўлардик. Мен Мусхафга карамай бирон кунни ўтказишни хушламайман», деган. Усмон Мусхафга кўп назар ташлаганидан унинг варақлари эскириб кетган эди» (Байхакий «Шуабул-иймон» да ривоят қилган).

Усмон ибн Аффон (розияллоху анху)нинг айтишича, агар калб пок бўлса, банда Куръон ўқишга тўймайди. Покиза калб Куръонни ўзига яхши сингдиради ва унинг маъноларини яхшироқ тушунади. Покиза калб Куръонни тадаббур қилади. Покиза калб Куръонга ташна бўлади. Покиза калб сохиби бўлган банда Куръон ўқиган сари унга бўлган мухаббати ошиб бораверади. Демак, Куръон ўқиш учун аввал калбимизни поклашимиз, Куръон тиловатига ўзгача бир тайёргарлик билан киришимиз керак. Шу сабаб баъзи уламолар Куръон тиловатидан олдин истигфор айтишга буюришган. Истигфор билан банда гуноҳлардан фориғ бўлади, калбидаги қора доғлар камаяди. Истигфор ва зикр билан покланган калб ила Куръон ўқилса, тиловатдан оладиган фойдаларимиз ортади, Каломуллохга тўймайдиган, уни яна ўқишни хоҳлайдиган соғлом калб сохибига айланамиз.

«Мен Мусхафга карамай бирон кунни ўтказишни хушламайман».

Сахобалар ичида Мусхафи шарифга энг кўп назар солган киши ҳам айнан Усмон ибн Аффон (розияллоху анху) эди. У Куръонни очиб, ўқийверганидан, унга кўп назар солганидан унинг Мусхафи эскириб, варақлари йиртилиш даражасига келиб қолган экан. Энди бизнинг холимиз қандай эканига назар солайлик! Бизнинг Куръон китобимиз доим ўқиб туриладими ёки тоқчада чанг босиб ётадимиз? Аллох таоло Куръонни бизларга ўқитиб, уни хар куни тиловат қилиб, Куръонга амал қилишимиз учун нозил қилган, китоб жавонларини тўлдириш, безаш ёки ҳеч қимнинг қўли етмайдиган жойга илиб қўйиш, ундан мадад қутиш учун туширмаган бу илохий Каломни. Бу соҳада Усмон (розияллоху анху) бизларга ёрқин намунадир. У зотнинг бутун ҳаёти Куръон билан боғлиқ бўлди. Хатто умрининг сўнгги дақиқаларида ҳам Куръонни очиб, ўқиб ўтирган эди у зот. Аллох таоло Усмон ибн Аффондан рози бўлсин ва бизларнинг ҳам у зотга ўхшашимизни насиб қилсин!

Абдулмажид отасидан ривоят қилади: «Усмон: «Мен Парвардигорим аҳдига назар ташламай бирон кунни ўтказишдан уяламан», деган» (Байхакий «Шуабул-иймон» да ривоят қилган).

«Аҳд» сўзи лугатда «васият», «қелишув, битим», «замон, давр» каби маъноларни англатади. Бу ерда «Парвардигор аҳди» деганда Аллохнинг амр-фармонлари ва бандаларига тайинлаган нарсалар жамланган китоб, яъни Куръон Карим назарда тутилган. Демак, Усмон (розияллоху анху) хар куни Куръонга назар ташлар, бирон кунни Мусхафга карамай ўтказмас эди. Бу иш фарз ёки вожиб эмас, балки Усмон (розияллоху анху) Мусхафга карамасдан бирон кунни ўтказишдан Аллохдан ҳаё қилган. Бу нарса

